

Ф. АБДУЖАББОРОВА

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ДА ШАХС БЕЛГИ-ХУСУСИЯТИНИ АНГЛАТУВЧИ
ЛЕКСИКА

Мақалада автор Жүсіп Хас Хажибтың «Қутадғу билиг» шығармасындағы лексемаларға талдау жасайды.

Автор в статье делает анализ лексемам в произведении Юсуфа Хас Хажиба «Қутадғу билиг».

Туркологияда “Қутадғу билиг”нинг тил хусусиятлари, жумладан, товуш тизими [1], келишик категорияси [2], лексикаси [3] борасида баъзи монографик тадқиқотлар, илмий мақолалар чоп этилган бўлса-да, бироқ асарнинг лингвистик хусусиятларини атрофлича ўрганиш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда. Шу нуқтаи назардан асар тилида қўлланган характери, ахлоқ-атворини ифодаловчи лексик бирликларни хусусида сўз юритиш дoston тили юзасидан туркологияда мавжуд кемтикни муайян даражада тўлдириш учун хизмат қилади.

Шахснинг характер ва хусусиятини англаувчи сифат лексемалар дoston тилида 129 та эканлиги кузатишларимиздан маълум бўлди.

Шахслар ўртасидаги муносабатни ифодаловчи сифат лексемалар микрогуруҳига тааллуқли лексемаларнинг асардаги сони 23 та бўлиб, улар ўзига хос ўхшашлик қаторларини шакллантиради.

Шахслараро муносабатлар, авваламбор, сўзда, мулоқотда, қолаверса, хатти- ҳаракат ва турли имо - ишора, мимеяларда юзага чиқади. Самимий, дўстона, беғараз, ҳаққоний муносабатлар меҳрибонлик, мурувват, ишонч, ростлик, тўғрилиқ сингари умуминсоний қадриятлар маҳсули ҳисобланса, носамимий, нодўстона, ғаразли, сохта муносабатлар эса менсимаслик, калондимоғлик, иккиюзламачилиқ, ҳасадгўйлик каби салбий хусусиятлар оқибатида намоён бўлади.

Муносабатларнинг қай даражада бўлишида тўғрилиқ муҳим роль ўйнайди. “Тўғри, ҳаққоний” маъноси дostonда **кони** ва **тўз** сифат лексемалари билан англашилган. Қайд этилган маънодошлар асарда жуфт сўз тарзида ҳам қўлланиб, “ҳақиқий, тўғри” маъносини ифодалашга йўналтирилган.

Шу ўринда байтдаги жуфт сўзнинг нафақат шахсларга, шунингдек, нарс-предметларга нисбатан сифатловчи вазифасида қўлланганини таъкидлаш керак бўлади. Кузатишларимиз **кони** сўзининг **қылынч** (400, 417), **қылық** (793), **эр** (908), **сөз** (1011), **киши** (1693), **көнүл** (1976), **тил** (5778), **тўз** лексемасининг эса **көнүл** (5860), **қылық** (5864), **тил** (503), **қылынч** (555) субстантивлари билан битишиб, мураккаб сифатларни юзага чиқарганини кўрсатди.

Маълумки, сифатлаш (эпитет) учун сўзнинг бирламчи ёки мажозий маънодалиги муҳим эмас, балки нарс ва ҳодисадаги алоҳида келтирилган

белгининг кучайтирилиши, таъкидланиши аҳамиятлидир. Достонда “бирова қаттиқ гаширмайдиган, дағаллик қилмайдиган, мулойим, илтифотли” кўчма маъносини ифодалайдиган *йумшак* сифат лексемаси эшитет сифатида шахснинг белгисини образли ифода воситасида кучайтириш учун қўлланилган.

Шахснинг феъл-атвори, характери билдирувчи сифат лексемалар миқдоран катта қисми ташкил этган.

1) шахснинг интеллектуал қобилиятини белгиловчи сифатлар. (*уқушлуғ “фаҳмли, фаросатли, заковатли”, уқушлуғ бөгү “билағон, доно”*)

“Фаросат, фаҳм, заковат” маъноли *уқуш* (<уқ = “англамоқ, тушунмоқ, уқмоқ”) мавҳум отига *-луғ* аффиксини кўшишдан ҳосил қилинган *уқушлуғ* ясамаси “фаҳмли” семаси билан асарда энг кўп қўлланган сўзлардан ҳисобланади. Ижобий баҳо оттенкасига эга ушбу сифат лексема “билағон, донишманд, ақлли” маъносини англатувчи *бөгү* адъективи билан синтагматик муносабатга киришиб, жуфт сўз тарзида “билағон, доно” маъносини англатган.

2) адъектив лексемалар маъно турлари ичида инсон характер-хусусиятини ифодаловчи лексик бирликлар достон тилида фаол ишлатилганлиги билан ажралиб туради. Ушбу мавзуй гуруҳга оид лексик бирликлар инсон характериға хос ижобий ёки салбий жиҳатларни ифодалаган.

Юсуф Хос Ҳожибға хос сўз ясаш маҳорати, аниқроғи, маънонинг вазифадошлик жиҳатидан кўчиши натижасида бир предметнинг бошқа предметга оид белги билан аталиши достон тилида “қимматбаҳо буюмлар, хазина, совғалар” ҳамда “шойи, ишак мато” маъносини ифодаловчи *ағы* субстантивнинг “мулойим” семасида қўлланишида яққол намоён бўлади.

Шахснинг фазилати, хислати, шубҳасиз, ички маънавий хусусиятлар - белгилар ҳисобланади. Шу боис бундай лексемалар иккинчи бўлинишга тегишли бўлади. Кўрсатилаётган гуруҳга оид сифатлар “мақбул-номақбул” белгиси билан ўзаро зидланади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг сўз ясаш ва унга муайян маънони юклаш маҳорати *эр* “эркак; жангчи” семемасини ифодаловчи туб сўзга *-сиг* аффиксини кўшиш билан ясалган *эрсиг* “жасоратли, жасур” сўзида намоён бўлган. Асар муаллифи ижодига оид ушбу оккозионал сўз бошқа манбаларда учрамайди. “Довбюрак” маъносини англатувчи *көкүзлүг* (< *көкүз* “кўкс, кўкрак” + *лүг*) илк бор айнан “Қутағу билиг”да қўлланган.

Достон муаллифи асар тилини ранг-баранг ва жозибадор қилиш, унинг бадий таъсирини янада кучайтириш мақсадида *улугсығ* сифатини XI асрда фаол қўлланишда бўлган *күвәз // күфәз* (< кү “шон, шухрат, машхур”) “кибрли, ўзини катта олувчи” бирлиги билан маънодошлик қаторини юзага чиқарган. Ўзбек жонли сўзлашув тилидаги *кєрвєз* “такаббур, кибрли” сўзини айни *кєвєз // күвєз* сифатининг фонетик шакли, дейиш мумкин.

Ф. Абдужабборова. “Қутадғу билиг” да шахс белги-хусусиятини...

“Қутадғу билиг”да сифат лексемалар шахслар ўртасидаги муносабат, шахснинг феъл-атвори, характери, узоқ-яқинлик, шахснинг фазилати, хислатини ифодаловчи семантик микрогуруҳларни шакллантиради, синфий жамият аъзолариаро муносабатларнинг қарама-қарши шаклларда воқееланганидан далолат беради.

АДАБИЕТЛАР

1. Маҳмудов Қ. XIII-XIV ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. - Тошкент: Фан, 1990.
2. Каримов К. Категория падежа в языке “Кутадгу билиг”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1962
3. Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1991

REZUME

F.ABDUZHABBOROVA (Tashkent)

REFINEMENT OF THE FEATURES OF VOCABULARY DIFFERENCES BETWEEN THE SUBJECT OF THE EPIC "KUTADGU BILIG"

The author makes an analysis of the product tokens "Kutadgu bilig" Yusuf Khas Hadzhibey.